



13.09.2018



Самарали музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Қўшма баёнотни имзолади.

Ташриф доирасида шерикликнинг устувор йўналишлари бўйича 19 ҳужжат имзоланди. 2019-2023 йилларда социал-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро шартнома ва уни амалга ошириш дастури улар орасида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, кунни кеча ўтган бизнес-форумда умумий қиймати 230 миллион доллардан ортиқ бўлган шартнома ва битимлар имзолангани таъкидланди.



Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда давлат раҳбарлари музокаралар очиқ ва ишонч руҳида ўтгани, натижалар шунга яраша мустаҳкам ва кенг кўламли бўлишини қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Беларусь Президентининг 24 йилдан кейинги ташрифи том маънода тарихий бўлгани, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитганини таъкидлади.

Ташриф давомидаги муҳокамалар Ўзбекистон ва Беларуснинг кўп қиррали шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга интилишини тасдиқлади. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга кучли суръат бағишлаб, уни сифат жиҳатидан янги, янада юксак босқичга олиб чиқади, деди давлатимиз раҳбари.



Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенокнинг расмий ташрифи давом этмоқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати маълум қилди.

ЎЗА

32 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Газетанинг янги - 36 сони нашрдан чиқди](#) [3]
- [Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган “Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси” танлови ғолиблари тақдирланди](#) [4]
- [Ўзбекистон делегацияси Сеулда Корея Республикаси Ходимларни бошқариш вазири Ким Пан Сок билан музокаралар ўтказди](#) [5]
- [Учкўприкда ўтказилган “Ҳуқуқий ахборот куни”да 267 нафар фуқаронинг ишга жойлашиш масаласи ҳал этилди](#) [6]
- [Telegramда статистика ҳақида фейк канал пайдо бўлди](#) [7]
- [Мактабгача ва умумий ўрта таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари](#) [8]
- [Хусусий таълим муассасаларига – янги имтиёзлар](#) [9]
- [Қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик](#) [10]
- [Туманлар \(шаҳарлар\) адлия бўлимлари фаолияти қониқарлими?](#) [11]
- [Наманганда ҳам эркин иқтисодий зона ташкил этилди](#) [12]

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4140>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4140>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/4165>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/4164>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4149>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4148>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4127>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4126>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4125>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4123>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4121>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4120>